

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХАБИЛОВ ДАВРОН НИҒМОН ЎҒЛИ

**COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ЮҚОРИ ЖАҒ
НУҚСОНЛАРИНИНГ ОРТОПЕДИК ТИШ ПРОТЕЗЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хабилов Даврон Нигмон ўғли COVID-19 билан касалланган беморларда юқори жағ нуқсонларининг ортопедик тиш протезларини ишлаб чиқиш.....	3
Хабилов Даврон Нигмон угли Разработка ортопедического стоматологического протезирования дефектов верхней челюсти у больных перенесших COVID-19.....	24
Khabilov Davron Nig`mon o`g`li Development of orthopedic dentures with upper jaw defects in patients with COVID-19.....	45
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХАБИЛОВ ДАВРОН НИҒМОН ЎҒЛИ

**COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ЮҚОРИ ЖАҒ
НУҚСОНЛАРИНИНГ ОРТОПЕДИК ТИШ ПРОТЕЗЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2022.1.PhD/Tib2512 рақам билан рўйхатга олиган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.tsdi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Акбаров Авзал Нигматиллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Замураева Алма Уахитовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Қозғистон Республикаси)

Амонуллоев Рустам Азимжонович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Милан университети (Италия)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани Махтумқули кўчаси, 103 уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин. (рўйхатга олинган № ____). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-й Тел./факс: (+99871) 230-20-65; (+99871) 230-47-99.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Қ.Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

Л.Э.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.А.Юлдашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда Covid-19 касаллигининг кенг тарқалиши натижасида касалликни профилактика қилиш ва даволаш самарадорлигини ошириш бўйича катта тиббий-ташкिलий ва молиявий тадбирлар амалга оширилди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра “шу кунга қадар Covid-19 касаллиги билан ер юзининг 532 млн. аҳолиси касалланганлиги қайд этилиб, ҳар ҳафтада 1,5 млн.дан 5,5 млн.гача инсон шу касалликга чалинмоқдалар”¹. Бугунги кунда жаҳон миқёсида Covid-19 касаллигини ўтказган беморларда турли асоратлар, жумладан юқори жағнинг орттирилган нуқсонлари ва деформациясининг олдини олиш, даволаш самарадорлигини ошириш, касалликни даволашнинг самарали усуллари тадбиқ қилиш долзарблигича қолмоқда.

Дунёда Covid-19 касаллигини самарали даволаш ва асоратларини бартараф этиш, юз-жағ соҳасининг ўткир йирингли яллиғланиши таъсини камайтириш каби йўналишларда илмий-тадқиқотлар кўлами тобора ортиб бормоқда. Бу борада касалликнинг ногиронликка ва эстетик нуқсонга олиб келувчи асоратларини камайтириш, ижтимоий мослашув механизмларини такомиллаштириш ҳамда беморларда чайнаш, нутқ ҳосил бўлиши ва уларнинг психоэмоционал ҳолатини яхшилаш учун даволаш стандартларини оптималлаштириш, самарали реабилитация усул ва воситаларини асослашга йўналтирилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини замонавий асосида ривожлантириш, аҳолига юқори сифатли ихтисослашган, жумладан стоматологик хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, стоматологик амалиётга юқори самарали технологияларни жорий этиш кабилар бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. «... Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакиллантириш, таъхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»² каби вазифалари белгиланган. Бу борада юқори жағ суяклари орттирилган нуқсонлари мавжуд беморларнинг оғиз бушлиғида функционал ҳолатни аниқлаш даражасини ошириш, Covid-19 ўтказган беморларда юқори жағнинг резекцияси операциясидан кейин мавжуд нуқсонни бартараф этишга мўлжалланган мосламаларни уларнинг эластик ва ёпишқоқлик даражасини ошириш асосидан такомиллаштириш каби йўналишида тадқиқотлар кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Всемирная организация здравоохранения. Отчет о ситуации с новым коронавирусом (2019-nCoV). Доступно на сайте <https://www.who.int/> (по состоянию на август 2021 г.).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони.

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт и фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг турли мамлакатларидаги олимларнинг маълумотларига кўра оғиз бўшлиғининг кўплаб касалликлари патогенезида, клиник кўринишларида ва кечишида, микрогемодиркуляция даражасидаги бузилишлар етакчи ўрин тутди. Коронавирус инфекцияси билан оғир касал бўлган беморларнинг 30% гача қисмида хавфли тромбоз, шу жумладан каверноз синус тромбози белгилари мавжуд. Хайтович А. Б. (2020). Сўнги пайтларда пластикли протезларни қўллашда яллиғланишнинг гуморал ва хужайравий омилларининг хусусиятларини ўзгартиришга ёрдам берадиган антисептиклардан маҳаллий фойдаланиш ва қўллашни фаол равишда кўриб чиқилмоқда. Бундан ташқари, янги дори воситаларини қўллаш нуқтаи назаридан уларнинг оғиз бўшлиғининг бактериологик кўрсаткичларига таъсирини, ортопедик протезларни юз-жағ соҳаси нуқсонлари ва деформацияларини тиклашни ўрганиш ҳам илмий ва амалий аҳамиятга эга. Привольнев В.В. (2012) Covid-19 ўтказган юқори жағнинг орттирилган нуқсонлари ва деформацияси бўлган беморларга жорий амалиётда стоматологик ёрдам кўрсатиш ва реабилитация қилиш дастури мавжуд эмаслигига алоҳида эътибор қаратишни тақозо қилади. Бубнова М.Г., Персиянова-Дуброва А. Л. (2020)

Мамлакатимизда қатор муаллифлар Covid-19 асоратлари билан курашиш бўйича ва орттирилган юқори жағ нуқсонларини тиклашнинг янги усуллари устида кўплаб ишлар олиб борилапти, жумладан Акбаров А.Н. (2021) Covid-19 бўлиб ўтган беморларда олинадиган протез ости микрофлорасини ўрганиб чиқган. Камилов Х.П. (2021) Covid-19 бўлиб ўтган беморларда терапевтик даволаш усулларини ўрганиб чиқган ва такомиллаштирган. Covid-19 сабабли ортирилган нуқсонларни жаррохлик усулларин таҳлил қилган ва моделлаштириш усули билан фойдаланган олим Хасанов А.И. (2021)

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, Covid-19 ўтказган, оғиз бўшлиғи касалликлари, юқори жағнинг орттирилган нуқсонлари ва деформацияси билан оғриган беморларни даволаш ва диагностика тактикасини такомиллаштириш масалалари долзарб ва тўлиқ ҳал этилмаган муаммолардан бири сифатида замонавий стоматология учун бу муаммонинг

ечими илмий ва амалий аҳамиятга эга. Бу мазкур диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишларининг истиқболли йўналишларига мослигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 011400203 «Тиш протезларининг оғиз бўшлиғи муҳити ва тўқималарига таъсири. Тиш протезларини қўллашда оғиз бўшлиғининг ҳимоя механизмлари, адаптация ва дезадаптация жараёнлари.» мавзусидаги (2019-2024 йй) амалий лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Covid-19 касаллигини ўтказган, юз-жағ соҳаси асоратлари бўлган беморларга ортопедик стоматологик даволаш чора-тадбирларини, жумладан комбинирланган тиш протезларини самарали қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Covid-19 ўтказгандан кейин ўткир йирингли яллиғланиш касаллиги туфайли юқори жағнинг нуқсонлари ва деформациясини ўрганишни таҳлил қилиш;

Covid-19 ўтказган беморларда, юқори жағнинг тўлиқ резекцияси операциясидан кейин оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг ҳолатини баҳолаш;

Covid-19 ўтказган беморларда, юқори жағнинг тўлиқ резекцияси операциясидан кейин оғиз бўшлиғи микробиоценозининг хусусиятларини аниқлаш;

Covid-19 ўтказган беморларда, юқори жағнинг тўлиқ резекцияси операциясидан кейин, ортопедик стоматологик протезлар ишлаб чиқиш;

Covid-19 касаллигини ўтказган, юз-жағ соҳаси асоратлари бўлган беморларга ортопедик стоматологик даволаш чора-тадбирларини, жумладан комбинирланган тиш протезларини самарали қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида, Тошкент давлат стоматология институти клиникасининг ортопедик стоматология бўлимида 2020-2022 йилларда кўриқдан ўтган ва даволаниб, Covid-19 ни бошидан кечирган, ўткир йирингли яллиғланишдан кейин юқори жағнинг орттирилган нуқсони ва деформациясига учраган 40 нафар бемор тадқиқотга киритилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида текширилган беморларнинг юқори жағ соҳаси, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда: стоматоскопик, микробиологик, лазерли доплер флоуметри, рентгенологик, денситометрия ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларидан иборат:

юқори жағ суяклари орттирилган нуқсонлари мавжуд беморларда суяк тўқимасида резорбция процесси натижасида дистрофик ўзгаришларга олиб келиши ва ўн тўрт кундан сўнг ретикулофиброз суяк ҳосил бўлиши сабабли доимий протезни қўллаш мумкинлиги аниқланган;

юқори жағ суяклари орттирилган нуқсонлари атрофидаги юмшоқ тўқиманинг яллиғланиши мавжуд беморларда қон томирлари тўнус кўрсаткичлари ижобий тамонга ўзгариши сабабли қўлланилинган муолажанинг самарадорлиги тасдиқланган.

Covid-19 ўтказган беморларда юқори жағнинг резекцияси операциясидан кейин мавжуд нуқсонни поливинилсилоксан ва акрил материалларидан иборат комбинацияланган протез билан тиклангач беморнинг протез фиксацияси, чайнов самарадорлиги, юз эстетикаси ва талаффузи яхшиланиши аниқланган;

юқори жағ суяклари орттирилган нуқсонлари чегарасидаги суякнинг зичлиги даражасига кўра ҳамма беморларда ғоваксимонлиги сабабли протезлашни хирургик муолажадан сўнг икки - уч кун ичида obturatorлардан фойдаланиш мумкинлиги аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Covid-19 туфайли ўткир йирингли яллиғланиш касаллиги билан оғриб, юқори жағнинг орттирилган нуқсони ва деформацияси бўлган ортопедик беморларнинг ОНП 14 сўровномаси ёрдамида комплекс даволашнинг янги услуги таклиф этилган;

операциядан кейинги юқори жағ протезини ишлаб чиқиш усулини таклиф қилинган, ундан фойдаланиш самарали эканлиги исботланган;

юқори жағ нуқсони бор беморларда комбинирланган протез ёрдамида ҳаёт тарзи яхшилангани аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий, синалган, бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи клиник, ускунавий, лаборатория ва статистика усуллариининг қўлланилгани; тадқиқотда беморларнинг етарли сони, олинган натижаларнинг назарий ва амалий асосларга монандлиги, олинган натижаларнинг хорижий ва мамлакатимиз тадқиқотлари билан таққосланиши ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти COVID-19 сабабли келиб чиққан юқори жағнинг нуқсони ва деформацияси бўлган беморларни оғиз бўшлиғи микрофлораси, микроциркуляцияси ва даволаш учун поливинилсилоксан ва акрил материалларидан иборат комбинацияланган протезнинг эластиклиги ва мустаҳкамлиги структураси асосида ҳамда дизайнининг модификацияланган таркибига кўра чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани билан билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклиф ва тавсияларнинг Covid-19 туфайли ўткир йирингли яллиғланиш касаллигидан келиб чиққан, юқори жағ орттирилган нуқсони ва деформацияси бўлган беморларни даволаш ва реабилитация қилиш тактикасини хизмат қилиши ҳамда ушбу гуруҳ беморларида модификацияланган протез ёрдамида эстетик нуқсон, овқат истемол қилиш ва сўзларни тўғри талаффуз этиш каби ҳаёт сифатини яхшилаш учун оптимал тактикани қўллаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. COVID-19 билан касалланган беморларда юқори жағ нуқсонларининг даволаш самарадорлигини ошириш ва ортопедик тиш протезини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар:

Юқори жағ орттирилган нуқсонлари бор беморлардан олинган сўровнома тахлилидан олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган “Ортопедик стоматологик даволанишдан олдин ва кейин Covid-19 билан касал бўлиб ўтган ва шуни асоратида остеомиелит ва юқори жағ резекцияси бўлган беморларнинг ҳаёт сифатидаги ўзгаришларни баҳолаш” мавзусидаги услубий тавсиясинома тасдиқланган (Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 2 мартдаги 8н-р/218-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиясинома юқори жағда орттирилган нуқсонлари бор беморларни стоматологик ҳолатининг хосликларини аниқлаш имконини берган;

Юқори жағ орттирилган нуқсонлари бор беморларда ортопедик даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган “Протезлашдан олдин ва кейин COVID-19 билан касал бўлиб ўтган беморларнинг микробиологик кўрсаткичлари” мавзуси бўйича услубий тавсиясинома тасдиқланган (Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 2 мартдаги 8н-р/219-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиясинома орттирилган нуқсонлари бор беморларни комплекс даволашни самарадорлигини ошириш имконини берган.

Беморларда юқори жағ нуқсонларининг даволаш самарадорлигини ошириш ва ортопедик тиш протезини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Тошкент шаҳар 2-сонли болалар стоматология поликлиникаси, ORTHO CURE, ALPHA-MED хусусий клиникаларида ва Тошкент давлат стоматология институти клиникаси амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 18 мартдаги 8н-з/136-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётда қўлланилиши юқори жағ ортирилган нуқсонлари бор беморлар реабилитация босқичларини такомиллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2таси халқаро ва 2таси республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5та мақола жумладан, 4 таси хорижий ва 1 таси Республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, мақсадлар, вазифалар шакиллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий ахамияти, тадқиқот натижаларининг тадбиқ қилиниши ёритилган, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг «**Covid-19 бўлиб ўтган ва шу сабабли асоратлари бўлган беморларни диагностика қилиш, даволаш ва реабилитация қилишнинг замонавий усуллари**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган пухта таҳлил, танқидий баҳо, Covid-19 ни ўтказган юқори жағнинг орттирилган нуқсони ва деформацияси бўлган беморларга ортопедик стоматологик ёрдам муаммоларига оид илмий маълумотларни умумлаштириш ва тизимлаштириш; орттирилган нуқсон ва деформацияларнинг ижтимоий-тиббий жиҳатлари, баҳолашнинг устувор усуллари, ортопедик стоматологиянинг тарихий ва замонавий жиҳатлари акс эттирилган бўлиб, бу борадаги диагностика ва даволаш тадбирларини такомиллаштириш йўлида илмий-амалий ишлар олиб бориш зарурлиги ёритилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот усуллари**нинг қўлланилиши ва клиник материалларнинг тавсифи» деб номланган иккинчи бобида, тадқиқот материалларининг тавсифи, клиник материалларнинг умумий тавсифини очади, лаборатор ва диагностик тадқиқот усуллари, комплекс терапиянинг самарадорлигини баҳолаш ҳақида маълумот берилган.

Илмий тадқиқот 2020-2022 йилларда Тошкент давлат стоматология институтининг клиника ва кафедраларида олиб борилган.

Тадқиқот 60 нафар беморда ўтказилган. Улардан 40 таси Covid-19 туфайли ўткир йирингли яллиғланиш касаллигидан келиб чиққан, юқори жағнинг орттирилган нуқсони ва деформацияси бўлган беморлардир. Назорат гуруҳидаги 20 та одамда тўлиқ иккиламчи адентияси бўлиб, юз-жағ соҳаси ва юрак-қон томир тизимида касаллиги бўлмаган беморлардир. Беморлар протезлашдан сўнг, оғиз бўшлиғининг шиллик қаватини яхшилаш, яллиғланиш белгиларини камайтириш ва протезларга тез мослашиши учун маҳаллий равишда антисептик хусусиятга эга «Фурасол» эритмасини, шунингдек «Тивортин» препаратини оғиз орқали қўлланган.

Олинган натижаларни статистик таҳлили статистик ишлов бериш ва функцияларидан фойдаланган ҳолда дастурий таъминот тўплами ёрдамида ўтказилган. Биз ўрганилаётган индикаторнинг (M) арифметик ўртача қийматини, стандарт оғиши (σ), ўртача хатолик (m), нисбий қийматларини (учраши, %) ҳисоблашда вариацион статистик усулларида фойдаланилган.

Ўртача қийматларни таққослашда олинган ўлчовларнинг статистик аҳамияти Стьюдента мезони (t) тамонидан тақсимот мейёрини (экцесс критеряси бўйича) ва умумий тафовутларнинг тенгличини текширувида хато эҳтимолини (P) ҳисоблаш билан аниқланган. Статистик аҳамиятли ўзгаришлар учун $P < 0.05$ ишонч даражаси қабул қилинган.

Диссертациянинг «ОНП-14 анкета сўровномаси натижалари ва Covid-19 билан касалланиш туфайли, юқори жағнинг тўлиқ резекциясидан сўнг, ортопедик даволанган касалларда лазерли доплер флоуметриясидан фойдаланиш» деб номланган учинчи бобида, оғиз бўшлиғи шиллик қаватидаги ўзгаришлар ва беморларнинг протез қилинган жойдаги микроциркуляция хусусиятларини ўрганиш натижаларини акс эттирган. Шунингдек, беморларнинг субъектив ҳис-туйғуларини, протезларни маҳкамлаш ва барқарорлаштириш, герметизм, фонетик синамаларини, операциядан кейинги ва мослашишнинг динамикада турли даврларини ҳисобга олган ҳолда протезлаш натижаларига баҳо берилган. (1-расм)



1-расм Чап тарафда стандарт протез, ўнгда постковид синдроми бўлган беморларда жағ суякларидagi нуқсонларни тиклаш учун янги тавсия этилган ортопедик протез намуналари.

Жаррохлик усулида даволашдан сўнг юз-жағ аппаратида эстетик ва функционал жиҳатдан қониқарсиз натижаларни кўрсатди. Беморларни объектив равишда кўрганимизда, биринчи гуруҳда юз конфигурацияси бузилган, оғзини очиш қийинлашган. Ушбу гуруҳдаги беморлар ҳавони ингаляция қилишда обтураторнинг қониқарсиз фиксацияси, силжиши ва тушиши, пастки жағнинг чайнаш ҳаракатлари, нафас олиш, ютиш ва нутқнинг бузилиши қайд этилган. Иккала гуруҳдаги беморларда қаттиқ танглайнинг шиллик қаватида обтуратор остида визуал текширувда яллиғланишли инфилтрат, пальпацияда енгил оғриқ, бурун бўшлиғи билан алоқада бўлган, чириган ҳидли йирингли геморрагик ажралмалар аниқланган. Шиллик қават хира рангда, қон кетади. Иккала гуруҳдаги беморлар ютиш ва чайнаш пайтида оғриқ, оғиздан ёқимсиз ҳид келишидан шикоят қилади. Шунингдек ёноқ ёки лабнинг юмшоқ тўқималарини чўкиши, юзнинг пастки учдан бир қисмини қисқариши ва юзнинг эстетик жиҳатдан қониқарсиз кўринишига олиб келади. Иккинчи гуруҳ беморларида

поливинилсилоксан материалидан тайёрланган obturatorда оғизни тўлик очиш қийин эмас, пастки жағнинг ҳаракатлари эркин бўлганлиги кузатилди. Биринчи асосий гуруҳга нисбатан бўшлиқдан қон кетиш анча камайди. Ушбу гуруҳдаги беморлар биринчи гуруҳга нисбатан қониқарли фиксация даражасини қайд этдилар. Объектив равишда, obturator танасининг беморлар оғиз бўшлиғининг анатомик тузилмаларига мувофиқ келиши қайд этилди, бу овқатланиш ва нафас олишни осонлаштиришга ёрдам берди. Ушбу гуруҳ беморларининг obturator фиксациясидан кейин операциядан кейинги муолажалар биринчи гуруҳ беморларига нисбатан юмшоқроқ ўтди. (1-2 жадвал)

1-жадвал

Ўрганилаётган гуруҳларда турли кузатув даврларида олинadиган obturativ протезлар билан протезлашда фиксация ва барқарорлик натижаларини баҳолаш.

Тадқиқот гуруҳлари	Протезларни маҳкамлаш ва барқарорлаштириш учун тест натижаларини баҳолаш	Протезлашдан 3 кун кейин n (%)	Протезлашдан 7 кун кейин n (%)	Протезлашдан 20 кун кейин n (%)
I асосий гуруҳ (I кичик гуруҳ А/А МП сиз (n=10))	яхши	2(20)	2(20)	3(30)
	қониқарли	3(30)	4(40)	5(50)
	қониқарсиз	5(50)	4(40)	2(20)
I асосий гуруҳ (II кичик гуруҳ А/А с МП (n=10))	яхши	3(30)	5(50)	5(50)
	қониқарли	5(50)	3(30)	4(40)
	қониқарсиз	2(20)	2(20)	1(10)
II асосий гуруҳ комбинациялашган протез (n=20)	яхши	6(30)	12(60)	17(85)
	қониқарли	5(25)	5(25)	3(15)
	қониқарсиз	9(45)	3(15)	0(0)
Назорат гуруҳи (n=20)	яхши	17(85)	19(95)	20(100)
	қониқарли	3(15)	1(5)	0(0)
	қониқарсиз	0(0)	0(0)	0(0)

2-Жадвал

Ўрганилаётган гуруҳларда турли кузатув даврларида олинadиган obturativ протезлар билан протезлашда нутқ функциясини баҳолаш.

Тадқиқот гуруҳлари	Фонетик синама натижасини баҳолаш	Протезлашдан 3 кун кейин n (%)	Протезлашдан 7 кун кейин n (%)	Протезлашдан 20 кун кейин n (%)
I асосий гуруҳ (I кичик гуруҳ А/А МП сиз(n=10))	тушунарсиз	1(10)	1(10)	1(10)
	тушуниш қийин бўлган	6(60)	5(50)	3(30)
	қониқарли	3(30)	4(40)	5(50)

	яхши	-	-	1(10)
	аъло	-	-	-
I асосий гуруҳ (II кичик гуруҳ А/А с МП (n=10))	тушунарсиз	-	-	-
	тушуниш қийин бўлган	6(60)	5(50)	1(10)
	қоникарли	4(40)	4(40)	3(30)
	яхши	-	1(10)	5(50)
	аъло	-	-	1(10)
II асосий гуруҳ комбинациялашган протез (n=20)	тушунарсиз	-	-	-
	тушун иш қийин бўлган	9(45)	5(25)	2(10)
	қоникарли	11(55)	9(45)	5(25)
	яхши	-	6(30)	11(55)
	аъло	-	-	2(10)
Назорат гуруҳи (n=20)	тушунарсиз	-	-	-
	тушуниш қийин бўлган	-	-	-
	қоникарли	5(25)	1(5)	-
	яхши	15(75)	4(20)	2(10)
	аъло	-	15(75)	18(90)

I кичик гуруҳда (МПсиз А/А), олинадиган обтурацияли протезлар қўлланилгандан 3 кун ўтгач, беморларнинг 100% протезларни қўллашда (чайнаш, ютиш пайтида) оғриқдан шикоят қилган бўлса, бу одамларнинг 20 фоизида яхши барқарорлашув аниқланди; 30% одамларда – қоникарли, қоникарсиз натижалар - 50%, II кичик гуруҳда (А/А с МП) – 30, 50 ва 20% беморлар мос равишда бир хил. II асосий гуруҳда 60% беморлар протезлардан фойдаланганда оғриқдан шикоят қилди, 30% одамда протез яхши барқарор ҳолатда; 25% одамда – қоникарли, қоникарсиз натижалар - 45%. Шу билан бирга, 20 кишидан иборат назорат гуруҳида қоникарсиз натижалар олинмади. Текширувдан сўнг биз протезларни тузатишни ҳам амалга оширдик, оғиз бўшлиғини ва олинадиган протезларни парвариш қилиш бўйича тавсиялар берилди. 7 кундан кейин обтуратор протезларини маҳкамлаш ва барқарорлаштиришни ўрганишда II асосий кичик гуруҳда олдинги тадқиқотга нисбатан сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. II асосий кичик гуруҳда яхши ва қоникарли фиксация натижаларига эга бўлган беморларнинг улуши ҳар бир мезон учун 20% га ошди. II асосий кичик гуруҳда яхши фиксация мезони олдинги тадқиқотга нисбатан 2 баробар ошди ва 60% ни ташкил этди. Назорат гуруҳида бу мезон 95% ни ташкил этди ва фақат 1 бемор протезнинг қоникарли барқарорлашуви билан овқатланиш пайтида ноқулайликни ҳис қилди. II асосий гуруҳда протезлашнинг яхши


натижалари I асосий гуруҳга нисбатан 25% га юқори. Назорат гуруҳида 20-куни протезнинг барқарорлашуви ва фиксациясини баҳолашда барча беморлар (100%) даволаниш натижасидан қониқиш ҳосил қилдилар ва тўлиқ олинадиган протезлардан фойдаланганда оғриқ ва ноқулайликни бошдан кечирмадилар, чайнаш ва нутқ функциялари тикланди. Бу бизга олинадиган протезларга мослашиш кераклигидан далолат беради. II асосий гуруҳдаги клиник текширув беморларнинг 85 фоизида протезларнинг яхши барқарорлигини кўрсатди, 15 фоиз беморларда қониқарли, бу гуруҳда қониқарсиз натижалар аниқланмади. Клиник тадқиқотда тасдиқланишича I асосий гуруҳда беморларнинг 30 фоизи безовталиқни бошдан кечирган ва овқатланиш, гаплашиш пайтида протезларнинг ёмон сақланишидан шикоят қилган. Яхши барқарорлашув натижалари 8 кишида (I ва II кичик гуруҳларда мос равишда 30% ва 50%), қониқарли натижалар 9 кишида, қониқарсиз натижалар 3 кишида (I ва II кичик гуруҳларда мос равишда 30% ва 10%) аниқланди.

Доимий олинадиган obturацияли протезлар ўрнатилгандан сўнг 3-куни барча тадқиқот гуруҳларида фонетик функция кўрсаткичларининг паст қиймати қайд этилди. Протезларни маҳкамлагандан кейин 3-куни ўрганилаётган беморларнинг нутқ функциясининг пасайишига беморнинг протезларни бегона жисм сифатида қабул қилиши ва протез асоси шиллик каватининг аниқ оғриқ синдроми сабаб бўлди.

Протезлар қўйилгандан кейин 7-кунида ўтказилган тадқиқотда бир қатор беморларда нутқ функциясининг сифати бироз яхшиланган. Шундай қилиб, I асосий гуруҳда "тушуниш қийин бўлган" мезонининг нутқ талаффузи 10% га, кичик гуруҳларнинг ҳар бирида (мос равишда I ва II кичик гуруҳларда), I кичик гуруҳларда "тушуниш қийин бўлган" мезони 10% га яхшиланди, иккинчи кичик гуруҳда ушбу мезоннинг қийматлари ўзгаришсиз қолди. II кичик гуруҳдаги 1 (10%) беморда "тушунарсиз" нутқ талаффузи аниқланди. II асосий гуруҳдаги беморларда "яхши" нутқ талаффузи кўрсаткичининг қиймати 30% ни ташкил этди, бу назорат гуруҳига (20%) яқин эди. Бу вақтда чайнаш ва нутқ аппарати органлари оғиз бўшлиғининг ўзгарган шароитларига ва протез тузилмалари мавжудлигига мослашишга муваффақ бўлди. 20 кунлик нутқ функциясини баҳолашда 11 (55%) беморда протезларда жумлаларни талаффуз қилишда нутқнинг тушунарлилиги "яхши", 5 (25%) эса "қониқарли" деб баҳоланди. 2 беморнинг нутқ функцияси натижалари (10%) "аъло" мезонига мос келди, улар таклиф қилинган ибораларни осонгина талаффуз қилдилар. Шунини таъкидлаш керакки, тадқиқот давомида I гуруҳ, I кичик гуруҳ беморларининг нутқ функциясини акрил материалдан ишланган протезда баҳолаш натижасида, битта ҳам аъло натижа қайд этилмади, II кичик гуруҳда эса битта беморнинг нутқ функцияси аъло даражада эканлиги аниқланди. Бу шунини англатадики, акрил материалдан ишланган obturация қилувчи протездан фойдаланадиган I асосий гуруҳ беморларини мослаштириш учун бир ой етарли эмас.

Комбинацияланган протезнинг конструктив хусусияти унинг полиакрил пластмассада ясалган obturation протез дизайни билан солиштирганда яхшироқ барқарорлашишига ёрдам беради, чунки бу юқори жағнинг тўлиқ резекцияси бўлган беморларда оғиз бўшлиғининг қолган анатомик тузилмалари билан алоқа қилиш шаклига мувофиқ келади, шунингдек, ушбу бемор учун уларнинг мақбул бўлган контурларини аниқлайди. 3-5 кундан сўнг беморлар бундай протезларни қўллаш қулайлигини, ташқи кўринишнинг яхшиланишини ва нутқ ҳосил бўлиш функциясининг яхшиланишини қайд қила бошладилар. Комбинацияланган поливинилсилоксан ва акрил obturator протезининг енгил вазни ҳам уларнинг барқарорлигини яхшилашга ҳисса қўшди, шиллик қават ва суяк тўқималарига юкламани бир хил тушишини таъминлаш, оғиз кенг очилганда протезнинг силжиб кетишини бартараф этиш, пастки жағнинг артикуляцияси ва юмшоқ тўқималарнинг ҳаракати (лаблар, ёноқлар) бир мунча яхшиланди. Клиник текширувлар ва субъектив маълумотларга асосан, II асосий гуруҳда I асосий гуруҳга нисбатан беморларнинг кўпроқ фоизида 20 кунгача obturation протезга мослашишга эришиш мумкин эди.

Протезлар қўйилгандан кейинги биринчи кунда оғиз бўшлиғи шиллик қаватини ўрганиш натижасида олинган маълумотларни таҳлил қилиб, шунини таъкидлаш керакки, барча кузатув гуруҳларида юқори фоизда ҳам объектив, ҳам субъектив белгилар мавжуд эди. (2-расм)



2- расм Оғиз бўшлиғидаги ўрганилаётган белгиларнинг статистик кўрсаткичларининг қиссий таҳлили протезлар қўйилгандан кейин 1-кунини %ларда.

Барча беморларни объектив кўрик пайтида оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолатининг паст сифатини, тилда ва протезларда кўп миқдорда караш мавжудлиги қайд этилди. Бу омил оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг кучли касалланганлиги, лунж ва тилнинг шиллик қаватини тозалаш қийинлиги билан изоҳланади. Шунингдек, объектив равишда, протезлар кўйилгандан кейинги биринчи кунида I ва II гуруҳнинг 2 кичик гуруҳидаги беморларнинг ярмидан кўпида протез асоси шиллик қаватининг диффуз гиперемияси (ҳар бири 80%), нуқтали гиперемия кузатилди (ҳар бири 20%). Тарқоқ диффуз яллиғланиш протез асосининг бутун юзасини топографо-анатомик жиҳатдан эгаллаган, унинг чегаралари қизил-гилос рангга эга шиш ва бўшлиқлардан иборат. Шикастланишларда катарал яллиғланишнинг барча белгилари мавжуд бўлиб, шишган эпителий фонида эрозия кузатилган (I гуруҳдаги беморларда 70%, II гуруҳда 75%). Баъзида кўзиқорин шаклидаги полиплар шаклида эпителия ўсиши қайд этилган. Шуни таъкидлаш керакки, беморларнинг ўртача 70%да петехия ва экхимоз кузатилган. Декубитал шиллик қават яралари барча учта қиёсий гуруҳдаги беморларнинг 70% да кузатилган. Назорат гуруҳида яллиғланиш белгиларининг интенсивлиги сезиларли даражада паст эди, шунинг учун беморларнинг 20%да протез асосининг шиллик қаватининг диффуз гиперемиясини, 45%да травматик эрозияни, 65% да яраларни, 40% да қон кетишини қайд этилди.


Бошқа тадқиқотлар шуни кўрсатадики, протез асосининг шиллик қаватига кўйилгандан кейинги биринчи кун тўлиқ олинадиган протез асосининг травматик таъсири остида, аксарият ҳолларда (ўртача 90%) яллиғланиш реакциясининг белгилари ва кўринишлари юзага келади. Протезлашдан кейинги учинчи куни шикоятлари бўлган беморларнинг сони бироз ошди: беморларнинг деярли барчасида (ўртача 90%) шиш, оғрик, оғиз бўшлиғи шиллик қавати ва тилнинг ачишиши, ёмон ҳид каби шикоятлар қайд этилган. I ва 2-гуруҳларда оғиз қуриши ва таъм бузилиши кузатилмади.

Биринчи тадқиқот билан солиштирганда биринчи асосий гуруҳнинг I ва 2 кичик гуруҳларида, шунингдек 2-гуруҳ беморларида протез асоси шиллик қаватининг диффуз ва нуқтали гиперемия билан оғриган беморларнинг (10% га) кўпайиши кузатилди. Травматик эрозия I кичик гуруҳ беморларнинг 90%ида, II кичик гуруҳнинг 80%ида, II гуруҳнинг 85%ида, петехия ва экхимоз I кичик гуруҳ беморларининг 90%ида, II кичик гуруҳнинг 70%ида, II гуруҳнинг 75%ида қайд этилган. Декубитал шиллик қават яралари ҳар, уч қиёсий гуруҳдаги беморларнинг ўртача 90%ида кузатилган. Назорат гуруҳида яллиғланиш белгиларининг интенсивлиги бошқа тадқиқот гуруҳлари билан таққослаганда сезиларли даражада паст эди ва аввалги тадқиқотга нисбатан ижобий томонга ўзгариш тенденцияси кузатилди.

Тадқиқотнинг ушбу босқичида иккала асосий гуруҳга оғиз шиллик қаватининг яллиғланиш динамикасини янада чуқур ўрганиш учун "Фурасол" антисептик препарати билан оғиз бўшлиғини маҳаллий даволаш таклиф қилинди. Биринчи ва иккинчи гуруҳлардаги объектив ва субъектив тадқиқот кўрсаткичларини алоҳида кўриб чиқилганда, шуни таъкидлаш керакки, 7-

куни таклиф қилинаётган яллиғланишга қарши антисептик терапия ва протезга мослашиш туфайли, аниқ яллиғланиш кўринишлари сони олдинги тадқиқотлар билан солиштирганда деярли икки баравар (25 дан 12,5% гача) камайди.

Тадқиқотнинг 21-кунида биз I гуруҳ, I кичик гуруҳдаги баъзи белгиларнинг клиник кўринишининг ёмонлашиши кузатилди, булар шикоятларнинг кўпайишида, бемор томонидан олинадиган протездан фойдаланишни рад этиш ва оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг сурункали касаллигининг кучайишида ўзини намоён қилди. (3-расм)



Расм. 3 Оғиз бўшлиғидаги ўрганилаётган белгиларнинг статистик кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили протезлар қўйилгандан кейин 21-кунида % ларда.

Тадқиқотнинг 2 асосий гуруҳидан протез асосининг шиллик қаватини тиклашнинг энг яхши кўрсаткичи II гуруҳда кузатилди. Диффуз гиперемия 3 (15%) беморда аниқланди, бу I гуруҳдаги беморларга нисбатан 50% ва олдинги тадқиқот даврида олинган кўрсаткичлардан 10% камроқ. Травматик эрозия билан оғриган беморлар сони (3 бемор - 15%) олдинги тадқиқотга нисбатан 25% га (протезлашдан кейин 7-кун), петехия ва экхимоз билан - 15% га, шиллик қават яраси билан - 10% га камайди. Шиллик пардалар ва тилнинг оғриғи, таъм билишнинг ўзгариши, қон кетиши ҳақида шикоятлар ушбу гуруҳдаги беморларнинг ўртача 20 %да бўлган. Назорат гуруҳида протезлашдан кейинги 21-куни шиллик қаватида патологик ўзгаришлар бўлган беморлар сонининг камайиш тенденцияси кузатилди. Беморларнинг

шикоятлари фақат вақтинчалик ва алоҳида ҳолларда сақланиб қолди. Юқори жағнинг тўлиқ иккиламчи адентияси бўлган шахслар гуруҳида ЛДФ-граммаси оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида микроциркуляциянинг меъёрий параметрларини аниқлашга имкон берди. Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг яллиғланиш реакцияси (афта, эрозия, яллиғланиш ўчоқлари) бўлган гуруҳда ЛДФ грамманинг қийматлари назорат гуруҳига нисбатан ортади. Буни I гуруҳдаги микроциркуляция индексининг 48-53% га ошиши кўрсатиб беради, бу эса ўрганилаётган ҳудудда турғунликни акс эттиради. Олинган маълумотларнинг статистик таҳлилини ўрганишда биз I ва II гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқларни аниқламадик ва иккала таққослаш гуруҳи қон оқимининг интенсивлиги назорат гуруҳининг қийматларидан сезиларли даражада фарқ қилди. (3 жадвал)

3-жадвал.

Даволашдан олдин ЛДФ сигнал амплитудаларининг кўрсаткичлари.

Кўрсаткичлар	M, перф. ед	σ , перф. ед	Kv,%
Назорат гуруҳи	26,51 ± 1,88	2,60 ± 0,40	12,44 ± 0,80
I гуруҳ(A/A)	32,57 ± 1,98	1,85 ± 0,16	6,60 ± 1,05
II гуруҳ (ПВС/К)	32,29 ± 0,67*	2,98 ± 0,77*	6,93 ± 1,43

